



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 20-yil " 2 " dekabr

Қ-658 -son

Termiz sh.

Термиз тумани "Амударё Гулбахор" массиви "Гулбахор" маҳалласи ҳудудидан "Aisha Malak Trans" МЧЖга "Сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш" учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/598-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 17 августдаги 01-08/317-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/598-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани "Амударё Гулбахор" массиви "Гулбахор" маҳалласи ҳудудидан "Aisha Malak Trans" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 108-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 38,3 балл бонитетли жами 18,6 гектар, шундан 18,5 гектар суғориладиган экин ер, 0,1 гектар йўллар билан банд ер майдонлари "Сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш" учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов